

## Бухоро Вилояти Ички Ишлар Органлари Профилактика Инспекторлари Фаолиятида Жамоатчилик Билан Ҳамкорликни Такомиллаштириш

### З. Ш. Шаумаров

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти  
кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник

**Аннотация:** мақолада Бухоро вилояти туман-шаҳар ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг сектор раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим, солиқ инспектори ва бошқа жамоатчилик аъзолари билан маҳаллаларда жиноятчиликка барҳам бериш, криминоген вазиятни юмшатиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида ҳамкорликни тақомиллаштириш ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоатчилик вакиллари, ҳамкорлик, криминоген вазият, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, маъмурий ҳудуд, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани.

Бугунги кунда Бухоро вилояти маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёшларнинг бўш вақтларини фойдали иш билан банд қилиш, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган нотинч оилалардаги маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштириш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда профилактик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича тадбирларнинг самарали ташкил этилмаганлиги ҳамда жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатилмаганлиги натижасида вилоятнинг айрим ҳудудларида ўтган йилнинг 7 ойида оғир турдаги жиноятларнинг содир этилишига ҳам йўл қўйилди (*Бухоро шаҳри, Фиждувон тумани ва бошқ.*). Бугунги кунда вилоятнинг ҳар бир маҳалла ҳудудида умуман жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларнинг олиб борилаётганлиги ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Қайд этиш жоизки, салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан, жиноятчилик ҳам маънавий қашшоқлик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади. Ана шу ҳулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонунбузарликнинг олдини олиш, тартибузарликка қарши курашни кучайтириш, ҳозирги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш даврида қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларинигина эмас, балки ҳар бир раҳбарнинг, маҳалланинг, жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифасига айланиши керак<sup>1</sup>. Зеро, жиноятчиликка қарши кураш ва уларнинг олдини олишда жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлашга хизмат қилади.

<sup>1</sup> Рузиев З.Р. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари (конституциявий-ҳуқуқий таҳлил): Афтореф. юрид. фан. док. –Т., 2016. –Б. 17.

Жамоат тузилмалари ижтимоий соҳадаги ваколатлари манзилли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш, кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, фуқаролар соғлиғини сақлаш ва бошқа муҳим йўналишларда амалга оширилмоқда<sup>2</sup>. Бугунги кунда жамоат тузилмалари томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, айниқса, уларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, оилада содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, маъмурий ҳудудда яшовчи ноқобил ва жанжалкаш оилаларни аниқлаш, ундаги ижтимоий руҳий муҳитни соғломлаштириш, салбий хулқ-атворга эга бўлган шахсларда жамиятга нисбатан ижобий дунёқарашни шакллантириш ва улар томонидан ҳуқуқбузарликларни содир этилишини олдини олишни таъминлаш борасида сезиларли даражада ишлар ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бевосита демократия институти сифатида тан олинган бўлиб, унинг ҳуқуқий мақоми янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 127-моддасида қатъий белгилаб қўйилди. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг асосий вазифаларидан бири этиб, фуқаролик жамияти барпо этиш, юксак даражада уюшган, батартиб муносабатлар тизимида таянган ҳолда ўзини ўзи бошқариш механизмлари ташкил этилди. Бу механизмларни жамоат ташкилотлари ташкил этади. Шуниси эътиборлики, дунёнинг камдан-кам мамлакатларида учрайдиган бундай ноёб ижтимоий тузилма ўзининг демократлиги ва изчил бошқарувга асосланганлиги билан ажралиб туради. Яъни, бу органлар жойларда бир қатор ижтимоий ҳимоя, иқтисодий масалалар, маданий-маърифий соҳа, атроф-муҳит ҳимоясига оид давлат зиммасида бўлган кўплаб масалаларни ишонарли адо этиб келмоқдалар.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолиятини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда уларнинг қошида ташкил этилган жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигисиз тасаввур этиш қийин. Сўнгги йилларда жамоатчилик билан ҳамкорликни тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва ушбу жараёнда иштирок этувчи субъектларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги асосий вазифалари янги қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилди. Жумладан, 2021 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида Ички ишлари органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 6196-сон Фармони қабул қилинган бўлса, унга асосан 2021 йилнинг 2 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур меъёрий ҳужжатларда республикамизнинг барча ҳудудларида, жумладан Бухоро вилоятининг туман-шаҳарларида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг фаолиятини йўлга қўйиш белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 июндаги “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 343-сон қарорида масканлар фаолиятини жамоатчилик билан ҳамкорликда ташкил этиш чоралари белгиланди.

Таъкидлаш керакки, жамоат тузилмалари томонидан жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш борасида уларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар профиликасини амалга ошириш, илгари судланган, спиртли ичимликка ружу қўйган, гиёҳвандлик касалига мубтало бўлган, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи, енгил табиатли аёллар ва фоҳишалар, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар, диний экстремистик оқимга мансуб ёки хайрихоҳ бўлган шахслар яшовчи, кам таъминланган оилалар сони ва уларнинг турмуш тарзини аниқлаш бўйича қатор вазифаларни амалга оширади. Шунингдек, фуқаролар йиғини хотин-қизларнинг

---

<sup>2</sup> Рузиев З.Р. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари (конституциявий-ҳуқуқий таҳлил): Афтореф. юрид. фан. док. –Т., 2016. –Б. 17.

ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ҳам кўради. Бу борада, яъни хотин-қизларни жиноят ва ҳуқуқбузарликлардан асраш борасида “Бухоро тажрибаси” республика миқёсида амалиётда изчил тадбиқ этилмоқда<sup>3</sup>.

Давлат ва жамият бошқарувида кенг жамоатчиликнинг иштироки: *биринчидан*, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қуватланиши; *иккинчидан*, жамоатчилик назоратини амалга ошириш; *учинчидан*, давлат органларининг айрим ваколатларини нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секин ўтказиб бориш; *тўртинчидан*, жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали таъминланади<sup>4</sup>.

Бугунги кунда Бухоро вилояти ички ишлар органларлари тизимида ўтказилаётган ислохотлар асосида ташкил этилган маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш ва у ерда профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида комплекс тарзда илмий тадқиқот ўтказилди.

Илмий тадқиқотнинг янгиллиги қуйидагилардан иборат: биринчидан, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини шакллантиришга доир ишлар алоҳида - алоҳида йўналишларга ажратиб илмий тадқиқ этилди, иккинчидан, Бухоро вилоятида профилактика инспекторининг кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини шакллантириш борасида олиб борилаётган амалий ишлар, хусусан суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислохотлар жараёни ва натижалари илмий таҳлил қилинди, учинчидан, Бухоро вилоятида фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш жараёни ва натижалари илмий таҳлил қилинди, тўртинчидан, сиёсий тизимни демократлаштириш ва суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир илмий хулосалар чиқарилди.

Бухоро вилояти ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш борасида қуйидаги йўналишларда ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

*Биринчи йўналиши* – ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудлардаги оилаларда маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштириш. Бизга маълумки, оила тарбия ўчоғи ҳисобланади. Инсон шахсининг пойдевори ҳам ана шу жойда қурилади. Инсон қанчалик оилада яхши тарбия олса, унинг маънавияти юксак даражада бўлади. Бироқ, бугунги кунда носоғлом турмуш тарзи кечирувчи, фарзанд тарбиясига безътибор, маънавий қашшоқ, носоғлом муҳит ҳукмрон бўлган оилалар ҳам учраб турибди.

Таъкидлаш жоизки, бундай оила жамият учун инсонни хўрлаш, кучсизларга қўл кўтариш мумкин деб уйлайдиган агрессив шахсларни тарбиялайди. Бу хусусда ҳикматлар ҳазинаси бўлмиш Қобусномадаги қуйидаги сўзлар фикримизнинг исботидир: “Ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишини тиласанг, сен ҳам ота-онанг ҳақида шундай бўлғил, нединким, сен ота-онангга нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур, чунки одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайдур. Дарахтни ҳар қанча яхши тарбият қилсанг, меваси шунча яхшироқ ва ширинроқ бўлур”<sup>5</sup>. Бу ахлоқий туйғунинг мавжудлигини оиладаги муҳитдан аниқлаб олиш мумкин. Агар оилада яхши муҳит бўлса – барча оилавий

3 <https://telegra.ph/Buhoro-tazhribasi-Notin-qizlarni-zhinoyat-va-huquqbuzarliklardan-asrajlik-09-13/> Бухоро ҳокимлигининг расмий веб-сайти.

4 Тошев Б. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2002. – № 4. – Б. 54–56.

5 *Кайковус. Қобуснома / Долимов С., Долимов У. –Т., 2006. –36. –б.*

муносабатлар рисолагидек йўлга қўйилган бўлади, аксинча бўлса, оила тушкунликка юз тутиб, парокандаликка учраши табиий ҳолдир<sup>6</sup>.

Маънавий-ахлоқий, руҳий тарбия ҳар бир оилада ўзига хос усул ва шаклда намоён бўлади. Баъзан оилада тарбияланаётган фарзандларни катталар томонидан номаъқбул хатти-ҳаракатларга жалб этиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Зотан, бундай ҳолатлар оилаларда кам кузатилса-да, унинг салбий оқибатлари жамият учун ғоят ачинарли ҳолатларни келтириб чиқаради.

Криминологик тадқиқотлардан шу нарса маълум бўладики, жиноят йўлига кирган аксарият шахсларнинг оилавий шароитида ота-оналарнинг мунтазам ичкиликка берилганлиги, раҳм-шафқатсизлиги, ахлоқан бузуқлиги каби салбий иллатлар мавжуд бўлган. Бундай оилалардаги ота ёки онанинг фоҳишабозлик, ичкилик ёки гиёҳвандликка ружу қўйганлигини тадқиқот давомида ўрганилган материаллар, таҳлил этилган статистик маълумотлар ҳамда жинорий иш материалларида акс этган маълумотлар ҳам тасдиқламоқда.

Шу боис носоғлом оила ҳамда фарзанд тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва улар билан профилактик ишларни амалга ошириш лозим.

**Иккинчи йўналиш** – илгари судланган шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш. Жиноятчиликка қарши кураш амалиётидан маълумки, жиноятларнинг олдини олишда, энг аввало, муқаддам судланган шахсларга нисбатан таъсир кучига эга бўлган профилактик ишлар олиб борилади. Бундай ишлар орқали уларнинг хулқини тарбиялаш, жамиятга нисбатан ижобий дунёқарашини шакллантириш, жиноят содир этишдан қайтариш каби тарбиявий ва ҳуқуқий чораларнинг қўлланилиши жиноятчиликка қарши курашда ўз самарасини беради. Муқаддам судланганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш керак, чунки бугунги кунда содир этилаётган оғир ва ўта оғир жиноятларнинг аксарияти муқаддам судланганлар томонидан содир этилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, муқаддас динимизда ҳам жиноят содир этиш қораланиб, ўз аҳлига зулмкор бўлмаслик, бировнинг дилига озор бермаслик борасида: “Кимки, Оллоҳдан кўркса, у ҳеч кимга тажовуз қилмайди. Оллоҳдан кўркиш ер юзида жиноят қилишдан қайтарадиган асосий сабабдир”<sup>7</sup> дейилган.

**Учинчи йўналиш** – аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш. Профилактика инспекторлари ўзига бириктирилган маъмурий ҳудуддаги криминоген вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган ички ишлар органларининг вакили ҳисобланади. Шундай экан, ҳудудда жойлашган оилаларнинг тинчлиги, хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Айниқса, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси жиноятларининг келиб чиқиш сабаб ва шароитлари, унинг жабрланувчилари, ушбу жиноятларнинг салбий оқибатлари ҳақида фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва савиясини ошириши лозим. Зеро, ҳуқуқий онгнинг юқори бўлиши фуқаролик жамиятининг қарор топишига хизмат қилади<sup>8</sup>.

**Тўртинчи йўналиш** – Жамоатчилик вакиллари, маъмурий ҳудудда тиббиёт муассасаси ходимлари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш. Жиноятчиликка қарши кураш амалиётининг кўрсатишича, кўпинча оиладаги низо ва жанжаллар оқибатида жабрланувчи шахс соғлиғи бузилишига сабаб бўлувчи хатти-ҳаракатлар содир этилган тақдирда ҳам андиша, ор-номус, оила ёки эркакнинг шаъни, айниқса, оиласининг бузилиб кетмаслиги, болаларининг тақдири, қолаверса маҳалла ва қариндош-уруғ орасида ортиқча гап сўз

<sup>6</sup>Муродуллаев У. Оила ва оилавий кадриятлар масалалари // Фалсафа ва ҳуқук. –Т., 2006. –66. –б.

<sup>7</sup>Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо: Монография. – Т., 1996. – Б. 64.

<sup>8</sup>Сабиров Б. Юксак ҳуқуқий онг ва маданият фуқаролик жамиятининг асоси // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2009. – №2. – Б. 30.

бўлишини рўқач қилиб, бу тўғрида ҳеч кимга айтмайди. Натижада кўпгина оиладаги ҳуқуқбузарликлар яширин равишда қолиб кетади.

Оилада содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг латентлик даражаси юқори бўлиб, уни аниқлаш анча мушкул. Профилактика инспекторларининг тиббиёт муассасалари билан самарали ахборот алмашувини йўлга қўйиши содир этилган низоларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда айбдорларга нисбатан қилмишига яраша жазо тайинлаш имконини беради.

Мазкур ҳолатларда жамоатчилик вакилари, тиббиёт муассасаси ходимлари ушбу масалага жиддийроқ ёндашиб, ҳудудда жойлашган оилаларда содир этилган ҳуқуқбузарликларни аниқлаб, ички ишлар органларига хабар беришса, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўриш осонроқ кечади. Профилактика инспекторларининг тиббиёт муассасалари билан доимий равишда ҳамкорликни йўлга қўйиши ушбу турдаги ҳар қандай жиноятни фoш этиш имконини яратади.

**Бешинчи йўналиш** – замирида зино иллоти бўлган фоҳишабозликка қарши кураш ва унинг олдини олиш. Бугунги кунда оиладаги оғир ва ўта оғир жиноятларнинг асосий қисми эркак ёки аёлнинг зинога йўл қўйганлиги, бир-бирига хиёнати натижасида содир этилаётганлигини тадқиқотлар тасдиқламоқда. Маълумки, фоҳишабозлик оқибатида зинога йўл қўйилади. Суд амалиётининг кўрсатишича, кўпчилик ёш оилаларнинг ажралиш ҳақидаги даъво аризаларида эр хотинининг, хотин эса эрининг зинокорлиги, оилада болалар тарбиясига ҳар икки жинсдаги шахсларнинг ахлоқи салбий таъсир кўрсатишини рўқач қилиб, ажралиб кетаётганлиги ташвишли ҳолдир<sup>9</sup>.

Шундай экан, оила тотувлиги, унинг мустаҳкамлигини таъминлаш, ажралишларнинг олдини олиш бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Бунинг учун эр ва хотинга яқиндан ёрдам бериш, оилада содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг ҳамкорликдаги фаолияти янада яхшиланиши зарур.

**Олтинчи йўналиш** – ичкиликбозликнинг олдини олиш. Спиртли ичимликка ружу қўйиш шахснинг жамиятга нисбатан ижобий муносабатини сусайтиради. Айниқса, оилада оила аъзолари ўртасида салбий муносабатларнинг вужудга келишига олиб келади. Спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида оилада кўпинча эр-хотин ўртасида жанжаллар содир этилади. Бу эса низоли вазиятларни келтириб чиқаради ҳамда тажовузкор хатти-ҳаракатлар содир этишига сабаб бўлади.

Оилавий жанжаллар туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиб, озодликдан маҳрум қилинган ичкиликка берилган шахсларнинг турмуши ўрганилганида уларнинг ўз ҳаётий муаммоларини зўрлик билан ҳал этишга мойилликлари маълум бўлди. Бухоро вилоятида аҳолининг 4.126 нафари ичкиликка ружу қўйган шахс сифатида рўйхатга олинган. Ичкиликка берилган шахсларнинг аксарияти ўз оила аъзоларини мавжуд муаммоларнинг асосий айбдорлари деб ҳисоблайдилар. Уларнинг эллик фоиздан ортиғи эса, оила аъзоларига енгил тан жароҳати етказиш, калтаклаш туфайли судланганлар<sup>10</sup>.

Профилактика инспекторлари спиртли ичимлик истеъмол қилувчи шахслар томонидан жиноят содир этилмаслигининг олдини олиш, уларда жамиятга нисбатан ижтимоий дунёқарашни шакллантириш, ичкиликка ружу қўйган шахсларни аниқлаш ҳамда уларни тиббиёт муассасаларига мажбурий даволашга жўнатиш билан боғлиқ бўлган ҳамкорликни ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Бу масалага эътиборсизлик билан қаралса, оғир оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Ичкиликка ружу қўйган шахслар томонидан оғир кўринишдаги жиноятларнинг содир этилаётганлиги бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Профилактика

<sup>9</sup> *Ражабова М.* Шариатда жиноят ва жазо. Монография. – Т., 1996. – Б. 68–69.

<sup>10</sup> Бухоро вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш методикаси: Методик қўлланма / Б.А.Ражабов, О.А.Камалов, М.Н.Курбанов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2023. -96 б.

инспекторлари ушбу иллатга қарши курашиш, унинг олдини олишдаги махсус субъектлар тизимига киради.

Профилактика инспекторларининг оиладаги низоларни олдини олиш ва уни бартараф этиш борасидаги фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири - спиртли ичимликка ружу қўйган шахсларни аниқлаш ва уларни профилактик ҳисобга қўйишдан иборат бўлмоғи даркор. Чунки оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган оғир ва ўта оғир жиноятларнинг аксарият қисми бевосита спиртли ичимлик истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилади.

Жиноят содир этганлиги учун илгари судланган шахсларнинг жиноят йўзма жилдларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, спиртли ичимлик истеъмол қилиш оқибатида шахснинг ҳаётига ва соғлиғига тажовуз қилиш ҳолатлари жуда юқори экан. Масалан, мастлик оқибатида содир этилган жиноятларнинг 31,4 фоизида қасддан одам ўлдириш, 30,8 фоизида қасддан баданга оғир шикаст етказиш, 43,7 фоизида қасддан баданга ўртача шикаст етказиш, 39,9 фоиз ҳолатда эса қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятлари содир этилган. Ушбу жиноятларни содир этган шахсларнинг кўпчилиги мунтазам спиртли ичимлик истеъмол қилувчи шахслар бўлишмаган. Чунки уларнинг бирортаси ҳам тиббиёт муассасалари рўйхатида турмаган.<sup>11</sup>

Ичкиликбозликнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг фаолияти қуйидаги йўналишда ташкил этилиши лозим:

- жамоат жойларида спиртли ичимликлар истеъмол қилиниши ҳолатларини аниқлаш, аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича чора кўриш;
- оилада ичкиликликка сабаб бўлувчи шарт-шароитларни аниқлаш;
- ичкиликбозликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда кенг кўламли профилактик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- маъмурий ҳудуддаги спиртли ичимликка ружу қўйган шахсларни мажбурий даволаш муассасаларига юбориш, олдин рўйхатга олинганларни диспансер назорати остида бўлишини таъминлаш;
- маъмурий ҳудудда спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи дўконларни текшириш, қоидабузарларга нисбатан тегишли чоралар кўриш;
- ичкилик оқибатида оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун муқаддам судланган шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида, уларни ички ишлар идораларининг маъмурий назоратига олиш ва жамиятда юриш-туриш, хатти-ҳаракатлари устидан доимий равишда назорат ўрнатиш;<sup>12</sup>
- спиртли ичкилик истеъмол қилиш оқибатида оилада ўз оила аъзоларини ҳақоратлаш, уриш, қийнаш каби ҳуқуқбузарлик ёки безорилик хатти-ҳаракатларни содир этадиган шахсларни аниқлашга қаратилган аниқ режалар ишлаб чиқиш, аниқланган ҳолатлар юзасидан айбдорларни амалдаги қонунларга асосан жавобгарликка тортилишини таъминлаш.

Бу соҳада олиб борилган тадқиқот давомида ўтказилган сўровда иштирок этган профилактика инспекторлари оиладаги низоларнинг 52,6 фоизи спиртли ичимликлар истеъмол қилинадиган оилаларда, 50,0 фоизи тез-тез жанжал бўлиб турадиган оилаларда, 43,9 фоизи эса носоғлом турмуш тарзи кечирувчи оилаларда содир этилаётганлигини айтишган. Ачинарли томони шундаки, мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол этилувчи

<sup>11</sup> Абдурасулова Қ. Жиноятчиликнинг танқидий таҳлили монографияси // URL: <http://www.lex.uz>.

<sup>12</sup> Раҳманов Р.Н. ва бошқ. Ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оилалар билан ишлашда профилактика инспекторлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги: Ўқув қўлланма. –Т., 2014. 38-б.

оилаларда тез-тез жанжал бўлиб туради. Бундай оилалардаги жанжаллар жисмоний зўрлик ишлатилганлик ҳолатлари учраганлиги боис, ички ишлар органлари, кўни-қўшнилар ёки қариндош-уруғларнинг аралашувидан кейингина тинчийди<sup>13</sup>.

Профилактика инспекторининг кенг жамоатчилик билан ҳамкорлиги натижасида маъмурий ҳудудларда ўз вақтида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш керакки, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бевосита ҳамкорлик, ички ишлар органлари маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари негизида амалга оширилади.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари негизида ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан профилактика инспекторларига боғлиқ.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда Бухоро вилояти ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

*Биринчидан:* жиноятларнинг сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ва зарарсизлантиришга қаратилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва бошқа профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш. Ушбу йўналиш: *биринчидан*, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари ёрдамидан тўлиқ фойдаланишга, *иккинчидан*, жиноятларнинг олдини олишга кенг жамоатчиликни жалб этишга, *учинчидан*, жамоат тартиби ва хавфсизликни сақлашда фуқароларнинг ҳушёрлиги ҳамда огоҳлигини оширишга имкон яратади;

*Иккинчидан:* жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар органлари билан бир вақтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш ҳамда улар ўртасидаги расмийчиликка барҳам бериш;

*Учинчидан:* жиноятларнинг олдини олишда фаол ҳамкорлик қиладиган, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда доимий равишда иштирок этувчи фуқароларни рағбатлантириш амалиётини кенг йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

*Тўртинчидан:* жиноятларнинг олдини олиш фаолиятида жамоатчилик фикрини доимий ўрганиб, таҳлил қилиб боришни янада кучайтириш;

*Бешинчидан:* фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш оргналари фаолиятини мувофиқлаштириш вилоят кенгаши томонидан “маҳалла еттилиги”нинг юклагасини камайитириш мақсадида, Бухоро вилоятида мавжуд маҳаллаларда яшовчи аҳоли сонини таҳлил қилиб, аҳоли сони норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган миқдордан кўп бўлган маҳаллаларни аниқлаган ҳолда улар ҳузурида янги маҳалла фуқаро йиғинларини ташкил этиш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // URL: <http://www.lex.uz>;
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни // URL: <http://www.lex.uz>;
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилнинг 2 сентябридаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни // URL: <http://www.lex.uz>;
4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилнинг 2 апрелдаги «Жазони ижро этиш

<sup>13</sup>Махмудова Х. Оила, мактаб, муҳит. Т., 1998. Т.:–Б. 23. // URL: <http://www.lex.uz>.

муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги Қонуни. // URL: <http://www.lex.uz>;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида Ички ишлари органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 6196-сонли Фармони//URL: <http://www.lex.uz>;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сонли Қарори. // URL: <http://www.lex.uz>;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг маъсулятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони // URL: <http://www.lex.uz>;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896 сонли Қарори// URL: <http://www.lex.uz>;
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833 сонли Қарори.// URL: <http://www.lex.uz>;
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4075-сон қарори;
11. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 июндаги “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 343-сон қарори;
12. Бухоро вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш методикаси: Методик қўлланма / Б.А.Ражабов, О.А.Камалов, М.Н.Курбанов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2023.-96 б.;
13. <https://buxoro.uz/> (Бухоро вилояти ҳокимлигининг расмий веб сайти).